



**Тасдиқлайман**  
Балиқчи тумани Мактабгча  
таълим бўлими мудири

## Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Танлов “Балиқчи тумани Мактабгча таълим бўлимига” қарашли **1-3-7-11-13-14-16-19-21-22-25-26-29-30-31-32-33-34-35**-Давлат Мактабгча Таълим Ташкилотлар учун **2022-йил ва 2023 йиллар учун озиқ овқат захирасига Картошка Сотиб олиш учун** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси оркали конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади танлов иштирокчилари учун йўриқнома.

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тугрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамомойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тугрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕД МЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Балиқчи тумани Мактабгча таълим бўлимига қарашли қарашли **1-3-7-11-13-14-16-19-21-22-25-26-29-30-31-32-33-34-35**-Давлат Мактабгча Таълим Ташкилотлар учун 2022-йил ва 2023 йиллар учун озиқ овқат захирасига бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – **150 000 000** (Бир юз эллик минг ) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Балиқчи тумани Мактабгча таълим бўлимига қарашли **1-3-7-11-13-14-16-19-21-22-25-26-29-30-31-32-33-34-35**--Давлат Мактабгча Таълим Ташкилоти (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 170300, Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Балиқчи тумани,

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

1.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

-танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма

маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг

мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

-танлов объектига ухшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг

мавжудлиги;

-уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари, тугрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хджми (50 фоиздан кам булмаган холда);

-Низом маблагги миқдори.

1.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

1.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

1.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хдқида мурожаат килишга хаклидирлар.